

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

**«ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВСИЗЛИГИ» КАФЕДРАСИ**

**Магистрлик диссертациясининг «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги»  
бўлимини бажариш бўйича**

**МЕТОДИК КЎРСАТМА**

**ТОШКЕНТ-2015**

Ушбу методик кўрсатмама институт илмий-методик кенгашнинг \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_-сонли мажлисида тасдиқланди ва чоп этишга тавсия этилди.

Мазкур методик кўрсатмада барча магистратура мутахассислиги бўйича магистрлик диссертациясининг «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» бўлимининг мақсади, унга қўйиладиган талаб ва вазифалар, ҳамда уларни бажарилишининг тартиби, мавзулари ва уларни ҳимояга тайёрлаш, режа тузиш, адабиётлардан фойдаланиш тартиби, амалиёт ўтилган корхоналарнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг ифодаловчи маълумотларни йиғиш, уларни устида ишлаш, таҳлил қилиш бўйича кўрсатмалар берилган бўлиб, методик кўрсатма магистрлар ва диссертациянинг ҲФХ бўлими бўйича илмий маслаҳатчиларга мўлжалланган.

**Тузувчилар:** **Т. Ҳайдаров ;**  
**И. Аҳмедов, доцент.**

**Тақризчилар:** **Р. Халилов, ТошДАУ,**  
**кафедра мудири;**  
**Б. Обидов, ТИМИ , СЭ ва**  
**НСФ кафедраси доценти**

## КИРИШ

Ер юзида инсонларнинг барча хатти-ҳаракатлари ўзларининг ҳаётда манфатдорлигига еа унинг доимий яхшилаиб боришига қаратилган.

Хавфсиз ва соғлом меҳнат шароити яхши яшашнинг ва ишлаб чиқаришда унумдорликни оширишининг асоси ҳисобланади. Инсон табиатнинг бир элементи сифатида унда ҳосил бўладиган ҳодисалар, воқеалар ва умуман ўзгаришлар албатта инсоннинг ўзигага ҳам тааллуқли таъсирини кўрсатади.

Замонавий корхона ва ташкилотлар фаолиятини индустриясиз ёки автоматлашган тизимдан ҳоли деб булмайди. Кабинет ишлари, дала ишлари-, ҳар қандай иш жойлари ва умуман инсон фаолият кўрсатадиган жойлар албатта хавф хатардан ҳоли бўлмайди. Хавфларни икки ҳолати бор: потенциал (яширин) ва реал (очик). Уларнинг ҳар қандай ҳолатиини ҳам асосан инсон фаолияти таъсирида бўлишини билиш зарур. Бундан ташқари, улар характери бўйича табиий ва техноген турларга булинади.

Табиий характердаги хавфларга тектоник ҳодисалар, метрологик ҳолатлар, геологик ва гидрографик ўзгаришлар ва шунга ўхшашлар киради.

Техноген характердаги хавфларга инсон фаолияти таъсирида содир бўладиган хавфлар киради.

Ҳар қандай хавфларни очик ҳолатига ўтиши инсонини жароҳатланишига, касалланишига, зарарланишига ва хатто ўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Магистрлик диссертациясининг ҲФХ бўлимини бажаришдан мақсад ҳаётда ва хусусан ишлаб чиқаришда потенциал хавфларни очик хавфга айланиши мумкинлиги даражасини пасайтиришдир. Бу диссертация мавзуларига тегишли объектлар, корхоналар, ташкилотлар асосида бажарилади.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов Республикани бозор иқтисодиётига ўтишида "кучли ижтимоий сиёсат" тамойили зарурлигини белгилаб берган. Бунга асосан аҳолини ҳар хил хавфлардан ҳимоялаш мамлакатнинг устивор ва стратегик вазифаларидан бири ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг ҲФХ бўлимини бажариш учун тавсия этиладиган мавзуларни тузишда ҲФХ кафедрасида яратилган услубий қўлланмадан фодаланилди.

## **I. УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР**

1. Магистрант ҲФХ кафедрасига келиб белгиланган тартибда рўйхатдан ўтади, яъни лаборант томонидан махсус журналга қайд этилади ва мутахассисликка белгиланган ва илмий салоҳиятга эга ўқитувчи илмий маслаҳатчи этиб бириктирилади.

2. Магистрант маслаҳатчи ўқитувчи билан биргаликда ўз иши мавзусига тегишли объектни ҲФХ бўлимини бажариш учун аниқлайди, ундан тегишли маслаҳат ва кўрсатмаларни олади. Бажарилиш санаси белгиланади.

3. Магистрант ҲФХ бўлими мавзусини олгандан сўнг кўпи билан бир ҳафта ичида бажариши лозим.

4. Магистрант диссертация ишини ҲФХ бўлимини бажариши учун кафедрадан "Методик кўрсатма"нинг электрон вариантни олиши мумкин.

5. Диссертациянинг ҲФХ бўлими ҳажми бўйича умумий ишнинг 8-9% ташкил этиши ва матн компьютердан терилган бўлиши керак.

6. Диссертация ишининг ҲФХ бўлимини бажаришга ёзув ва чизмаларига қўйиладиган талаб уларни умумий бажарилишига қўйиладиган меъёрий ва техник талаблардан фарқ қилмайди.

7. Диссертациянинг ҲФХ бўлими қўйидаги қисмлардан ташкил топади:

А. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари;

Б. Меҳнат муҳофазаси

В. Фуқаро муҳофазаси;

Г. Ёнғин хавфсизлиги;

Д. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш.

8. Диссертациянинг ҲФХ бўлими бўйича 1 та кўргазмали чизма ки слайдлар бўлиши мақсадга мувофиқдир.

**А-Б. Ҳаёт фаолияти халфешлигининг назарий асослари ва меҳнат муҳофазаси** бўйича объектга тегишли маълумотларни олиш ва ишни бажаришда қўйидаги адабиётлардан фойдаланиш мумкин:

1. Ҳ.Э. Ғойипов «Меҳнат муҳофазаси». Т.,2000 й.. Ўқув қўлланма. 255 б, 1 -боб.

2. Р.Б.Бобожонов. «Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари». Т., 2005й. Ўқув қўлланма.

3. А.В.Луковников, В.С.Шкрабак. «Охрана труда». М., 1991. Раздел первый.

**В. Фуқаро муҳофазаси** бўйича қўйидаги адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилади:

1. Ғ.Ёрматов, Ё.Исомухамедов. Меҳнатни муҳофаза қилиш. Т.,2002 й. 383б. Дарслик. 7-боб.

2. Ҳ.Э.Ғойипов. Меҳнат муҳофазаси. Т. 2000й. Ўқув қўлланма. 255б.б-боб.

3- Н.И.Акимов, В.Г.Ильин. Гражданская оборона на объектах сельскохозяйственного производства: 1978, 355с.

4. И.В.Фурман. Безопасность труда при эксплуатации гидромелиоративных систем. М. 1982.

5. В.Г.Луцкий. Охрана труда при эксплуатации оросительных систем. М. 1990.

6. В.С.Шкрабак. Охрана труда. М. 1990.

7. А.И-Кондратьев, Н.М.Местсекина. Охрана труда в строительстве. М. 1995.

8. Сборник нормативных документов по охране труда принятых в соответствии с трудовым кодексом Республики Узбекистан. Т. 1996

9. М.Ю.Юнусов, И.Ахмедов, Н.Саидхўжаева. «Радиация хавфсизлиги» фанидан маърузалар курси. Т.,2008 й. ТИМИ босмахонаси.

10. Шахсий ҳимоя воситаларини ўрганиш ва танлаш. Методик кўрсатма. Т., 2007 й. ТИМИ босмаҳонаси.

11. Защита населения и территорий от чрезвычайных ситуаций. Т., 2003. Учебное пособие.

**Г. Ёнгин хавфсизлиги** бўйича кўйидаги адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилади:

1. А.Д.Худоев. Ёнгин хавфсизлиги. 2007 й. Ўқув кўлланма.
2. О.С.Казакова, Л.Ф.Казаков. Охрана труда и пожарная безопасность на предприятиях железобетонных изделий. М. 1990 г. Уч. Пособие.
3. Рекомендации по определению необходимого количества первичных средств пожаротушения. Т. 2006.
4. Ғ.Ёрматов. Меҳнатни муҳофаза қилиш. Т. 2002 й. Дарслик 13-боб.
5. Ҳ-Э.Ғойипов. Меҳнат муҳофазаси. 2000 й. 10-боб.

**Д. Биринчи тиббий** ёрдам кўрсатиш бўйича кўйидаги адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилади:

1. Ҳ.Э.Ғойипов. Меҳнат муҳофазаси. 2000 й. 11 -боб.
2. Шикастланган кишиларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш. Услубий кўрсатма. 1998. ТИМИ босмаҳонаси.
3. А.В.Луковников, В.С.Шкрабак. Охрана труда. М.,1991. Раздел седьмой.

### **1.1. Магистрлик диссертациясининг ҲФХ бўлимининг мақсади ва вазифалари**

Магистрлик диссертациясининг ҲФХ бўлимини ёзишдан мақсад магистрларга ҲФХ фани бўйича олган назарий билимлари даражасини мустаҳкамлаш ва уларни амалиётда қўллай олиш кўникмасини юзага келтиришдир.

Магистрлик диссертациясининг ҲФХ бўлимининг асосий вазифалари кўйидагилардан иборат:

- магистрнинг ҲФХ фани бўйича олган билимларини чуқурлаштириш, уларни тартибга солиш, мустақамлаш ва билим даражаларини янада кенгайтириш;
- магистратурада ўқиш жараёнида олинган назарий билимларини амалиётга қўллашга кўникма ҳосил қилиш;
- амалиёт тўтилган корхона ва ташкилотларда ҲФХ фани билан боғлиқ муаммоларнинг ўзига хос хусусиятларини тушуна билиш ва уларнинг тўғри ечимини аниқлашга ўргатиш;
- меҳнат муҳофазаси, ишлаб чиқариш санитарияси, техника, электр ва ёнғин хавфсизлиги, факулдада вазиятларда аҳоли ва ҳудудларни ҳимоя қилиш муаммолари тушуна билиш ва уларнинг тўғри ечимини аниқлашга ўргатиш;
- ҲФХ муаммоларини ҳал этишда тадқиқот ишларини олиб бориш методларини ўзлаштириш;

Магистрлик диссертациясининг ҲФХ бўлимининг мақсади сув ва қишлоқ хўжалик корхона ва ташкилотларида ишлаб чиқариш хавфсизлигини ошириш ҳамда факулдада вазиятлар содир бўлганда корхоналарни барқарор ишлашлари соҳасидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, тадқиқот олиб бориш, шунингдек, мавжуд камчиликларнинг илмий ечимини топишга йўналтиришдир.

## **1.2.. Магистрлик диссертациясининг ҲФХ бўлимининг мавзуларини танлаш**

Кафедрада магистрлик диссертациясининг ҲФХ бўлимининг мавзулари ва уларнинг тахминий режалари ишлаб чиқилиб, кафедра мажлисила кўриб чиқилади ва факультет Илмий кенгаши томонидан тасдиқланади ҳамда ҳар йили бошида долзарб мавзулар билан тўлдирилган ҳолда қайта ишлаб кўриб чиқилади.

Магистрлар магистрлик диссертациялари мавзуларида ўрганилаётган корхона, ташкилот, машина ва механизмлар, ускуна ва

воситалар ёки ишлаб чиқариш жараёнларига хос бўлган хавфсизлик масала ва муаммоларга кўра мавзу танлайдилар.

### **1.3. Магистрлик диссертациясининг ҲФХ бўлими илмий маслаҳатчиси ва магистрнинг вазифалари**

Магистрлик диссертациясининг ҲФХ бўлими илмий маслаҳатчиси қилиб ушбу олий ўқув юртининг ҲФХ кафедрасининг илмий салоҳиятга эга бўлган профессор-ўқитувчилари тайинланади.

Магистрлик диссертациясининг ҲФХ бўлими илмий маслаҳатчиси вазифалари:

- топшириқ беради;
- ҲФХ бўлимини бажариш муддатини режалаштиради;
- асосий адабиётлар, маълумотлар ва архив материалларини ҳамда мавзу бўйича бошқа манбаларни тавсия этади;
- талабалар билан белгиланган график асосида маслаҳатлар ўтказади;
- ишни бажарилиши жараёнини назорат қилади;
- бажарилган ишнинг сифати ва муаллифлигига жавоб беради, мавзуларни қайтарилишига ва бошқа манбалардан айнан кўчирилишига йўл қўймайди.

Магистрнинг вазифалари:

- диссертациянинг ҲФХ бўлими берилган топшириқ асосида шахсан магистр томонидан бажарилади;
- магистр-иш муаллифи, танланган қарорнинг тўғрилигига ва унинг берилган мавзуга мувофиқлигига, диссертация ишида кўчирмачилик ҳолатини йўқлигига жавоб беради.



#### **1.4. Магистрлик диссертациясининг ҲФХ бўлимининг мазмуни**

Магистрлик диссертациясининг ҲФХ бўлимининг мазмуни унинг мавзусидан келиб чиқиб белгиланади. Ишнинг ҲФХ бўлими қуйидаги қисмлардан иборат бўлади: муаммонинг долзарблиги, объектнинг, восита ва жараёнининг таснифи, хавфларни аниқлаш ва бартараф қилиш йўллари, ҳамда хулоса ва таклифлардан иборат. Ушбу бўлимнинг иши режаси раҳбар билан биргаликда тузилади ва мутахассислик кафедраси томонидан тасдиқланади.

Бу бўлимда қуйидагилар масалалар ёритилиши керак ва унинг таркиби танланган мавзу мазмунидан келиб чиққан булиши лозим:

- танланган мавзунинг долзарблиги ва унинг хавфсизликни оширишдаги аҳамияти;
- мавзунинг ўрганилганлик даражаси ва илмий янгиликлари;
- бўлим мавзусининг мақсади ва вазифалари;
- тадқиқотнинг назарий - методик услубий асослари;
- илмий тадқиқот объектига қисқача тавсиф ва бошқалар.

Ушбу бўлимда тадқиқот олиб борилаётган объектда танланган мавзу буйича хавфсизликни таъминлаш буйича олиб борилаётган ишларнинг узига хос хусусиятлари, йул қуйилган камчиликлар, мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ёритиш лозим. Шу билан бирга, ўрганилган мавзудаги назарий масалалар, ташкилий, техник ва санитар-гигиеник тадбирлар замонавий усул ва воситалар асосида асослаш билан асослаш билан тугалланади.

Хулоса. қисмида мавзу юзасидан олинган натижалар ва муаммоларни бартараф қилиш буйича ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсияларга акс эттирилади.

Магистрлик диссертациясининг ҲФХ бўлимининг мазмуни магистрант томонидан мустақил равишда шахсий фикрлар орқали мантиқий жиҳатдан ёндашган ҳолда хатоларсиз ёзилиши лозим. Магистрлик диссертациясининг

ушбу бўлимини дарсликлар, ўқув қўлланмалари, шунингдек иқтисодий адабиётлардан кўчириб ёзиш мумкин эмас.

### **1.5. Магистрлик диссертациясининг ХФХ бўлимини бажаришни ташкил этиш**

Магистрантлар диссертацияни ёзишдан олдин объект сифатида қабул қилиб олинган ташкилот, корхона ва сув хўжалиги субъектларида амалиёт ўтказадилар. Амалиёт ўтиш даврида ушбу объект бўйича меҳнат муҳофазаси ва фавқулодда вазиятларда корхона ва аҳолини ҳимоя қилиш масалалари бўйича маълумотлар тўпланади ва ўрганилади. Диссертацияни бажариш бўйича тузилган топшириқ режасида ва уларни бажариш бўйича тақвимий жадвалда ХФХ бўлимида қилинадиган ишлар мазмуни ва бажариш муддатлари акс эттирилади.

ХФХ бўлими бўйича илмий маслаҳатчи билан диссертация ишини бажарувчи магистрантнинг учрашуви ҳар ҳафта кафедрада амалга оширилади.

Диссертация ишини бажараётган магистрант раҳбар ва кафедра мудири тасдиқланган топшириқ ва уни бажариш бўйича тузилган тақвимий жадвалга қатъий риоя этиши керак.

## **II. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ ҲАЁТ ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ БЎЛИМИ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НАМУНАВИЙ МАВЗУЛАР:**

1. Меҳнат муҳофазаси хизматини ташкил қилишда раҳбарнинг вазифалари.
2. Меҳнат муҳофазаси ишларини режалаштириш.
3. Ялпи қирғин қуролларидан ҳимоя ишларини ташкил қилиш.
4. Маъмурий биноларда ишловчиларни хавфлардан муҳофаза қилиш тадбирлари.
5. Меҳнат муҳофазаси тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

6. Ижтимоий ривожланиш режасини жорий қилишдан келадиган иктисодий самарадорликни аниқлаш.
7. Ишловчиларни кимёвий қуроллар хавфидан ҳимоя ишларини бажариш.
8. Ишловчиларни бактериологик қуроллар хавфидан ҳимоя ишларини бажариш.
9. Деразаларни бузувчи кучланишни аниқлаш.
10. Аҳолини эвакуация қилишнинг ҳисобий ва зарурий вақтини аниқлаш.
11. Табиий вентилизацияни ҳисоблаш.
12. Сунъий вентилизацияни ҳисоблаш.
13. Табиий ёритишни ҳисоблаш.
14. Сунъий ёритишни ҳисоблаш.
15. Меҳнат муҳофазаси талаблари бўйича корxonани паспортизация қилиш.
16. Ёнғиннинг олдини олиш тадбирларининг иктисодий самарадорлигини аниқлаш.
17. Хавфсизлик техник воситаларини қўллаш тадбирларини иктисодий баҳолаш.
18. Иш ўрнини эргономик баҳолаш.
19. Ёнғинга қарши сув таъминотини ҳисоблаш.
20. Қўлда бажариладиган ишларни ташкил қилишда хавфсизлик масалалари.
21. Юқори зарарланиш шароитларида ишни ташкил қилиш.
22. Иш зонасида ҳавони мутадиллашни ташкил этиш.
23. Носоғлом микроиқлим шароитларида ишни ташкил қилиш.
24. Махсус қийимларга бўлган талаблар ва уларни танлаш.
25. Ишлаб чиқариш биноларида ва иш ўринларида иситишни ҳисоблаш.
26. Меҳнат муҳофазасини бошқариш тизимида маълумот олишни ташкил қилиш.
27. Меҳнатни ташкил қилишда хавфсизлик даражасини аниқлаш.
28. Меҳнат шароитини аттестациялаш.
29. Меҳнат муҳофазаси ишларини режалаштиришни ташкил қилиш.

30. Меҳнат муҳофазаси ишларини рағбатлантириш ва баҳолаш.
31. Иш қобилиятини йўқотганда уни иқтисодии оқибатларини аниқлаш.
32. Жароҳатланишлардан келадиган моддий зарарни ҳисоблаш.
33. Касбий касалланиш тадбирларини жорий қилишдан келадиган иқтисодий самарадорликни аниқлаш.
34. Иш ўринларида иш шароитларини яхшилаш тадбирларини жорий қилишдан келадиган иқтисодий самарадорликни аниқлаш.
35. Иш тартибини такомиллаштиришдан келадиган хавфсизликнинг оширишдаги самарадорлигини аниқлаш.
36. Хавфли зона ўлчамларини аниқлаш.
37. Яшин қайтаргичдан иншоотгача бўлган масофани аниқлаш.
38. Ишлаб чиқариш, маиший хоналарга бўлган талабни ҳисоблаш.
39. Ишлаб чиқариш биноларида ҳаво алмашинувини аниқлаш.
40. Хонага кирувчи зарарли ишлаб чиқариш омилларининг миқдорини аниқлаш.
41. Маҳаллий вентиляцияни ҳисоблаш.
42. Операторнинг иш ўрнидаги виброизоляцияни ҳисоблаш.
43. Тўсувчи конструкцияларнинг товушни пасайтиришини ҳисоблаш.

### **III. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ ҲФХ БЎЛИМИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ҚИЛИНАДИГА ИШЛАРНИНГ МАЗМУНИ ВА ТАРКИБИ**

**ҲФХ нинг назарий асослари.** Мавзуга тааллуқли фаннинг асосий тушунчалари берилади. Унга боғлиқ ҳолда мавзу бўйича тааллуқли хавфларнинг таҳлили, таркиби ва соҳадаги таваккал ҳақида маълумотлар келтирилади.

ҲФХ фанида хавфсизликнинг бошқариш услублари мавзуга боғлиқ ҳолда ёритилади, Мазмуни очилади. Фаолият хавфсизлигини таъминлаш принциплари усуллари ва воситалари ёзилиши лозим. Хавфсизликни мавзуга тегишли воситалари ҳақида маълумотлар берилади.

Эргономиканинг ҲФХдаги ўрни кўрсатилиши керак. Эргономика фанининг вазифалари, хусусан мазкур мавзуга тегишли қисми ёзилади. Эргономик таъминланганлик ва ишлаб чиқариш суръати боғлиқлиги кўрсатилади. Ишловчиларнинг соҳага характерлилиги тавсифланиши керак.

**Меҳнат муҳофазаси.** Меҳнат муҳофазаси бажарилаётган диссертациянинг асосий қисмига боғлиқ бўлиб бундаги содир бўлиши мумкин бўлган хавфлар тавсифланади, турлари. аниқланади. Меҳнат муҳофазаси қисмида ишловчиларни ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқлиги, ишлаб чиқариш жараёнидаги хавфларни ишловчиларга таъсири очилади. Ишловчиларга хавфли ва зарарли томонлари очилади, ёритилади ва улар турланади. Хавфларни содир бўлмаслиги учун меъёрлар даражасида ҳисоб-китоб ишлари бажарилади. Хусусан метрологик кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш бинолари шамоллатиш тизими, уларни воситалари танланади, конструкторияси ишлаб чиқилади ва график схемаси тузилади.

Ҳавони таркиби тўғрисида, унинг таркибидаги зарарли ва захарли моддалар аниқланади, меъёрий кўрсаткичларга солиштирилади. Уларни аниқлаш воситалари ва методлари келтирилади. Маъмурий характердаги мавзулар учун кўпроқ иш қуроллари. электрон ҳисоблаш техникалари. оргтехникалар, хоналарни ёритилганлиги ва бошқа электр ва магнит майдон тарқатувчи асбоб ускуналар тавсифланади. Улар билан ишловчиларни муносабати ёритилади. Меъёрий кўрсаткичлар билан таққосланади. Ишловчилар учун иш жойларини ёритилганлиги тавсифланади. Иш жойини ёритиш схемаси ва воситалари ҳисоби. жойлаштирилиши аниқланади. Ишлаб чиқаришдаги шовқин кўрсаткичлари аниқланади. Меъёрий кўрсаткичлар келтирилади.

Механика цехлари. қурилиш жараёнлари. мелиоратив ва умумқурилиш техникалари билан боғлиқ мавзуларда титрашга алоҳида аҳамият берилиши керак. Титраш ишловчиларни жисмонан ва рухий толиқтирадиган омил ҳисобланади. Замонавий ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида, шу жумладан механика корхоналари. механизмлари. маъмурий

характердаги иш жойларида албатта электр хавфи бор. Буни тавсифлаш лозим. ўрнатишги схемалари тавсифланади. Устахоналардаги хавфсиз зоналар ҳисобланади ва чизмада кўрсатилади.

Қишлоқ хўжалиги экинлари билан шуғулланувчи хўжаликлар фаолияти билан боғлиқ мавзуларини ёритишда ишловчилар ва яшовчиларга пестицид ва гербецидларнинг таъсири, уларнинг хусусиятлари очилади. Пестицид ва гербецидларнинг меъёрлари тўғрисида маълумотлар берилади. Пестицидларни экологик хавфларни келтириб чиқарадиган томонлари очилиши лозим. Уларни ишлаганда фойдаланиладиган хавфсизлик техникалари ёзилади. Уларни ишлатишда зарарли томонларини камайтириш тадбирлари ишлаб чиқилади. Барча иш турларини бажаришда ўзига тегишли умум фойдаланиладиган за шахсий ҳимоя воситалари тўғрисидаги маълумотлар тузилади ва миқдори ҳисобланади.

Юк кўтариш-тушириш ва ташишда қўлланиладиган воситалар, механизмлар ва бошқа асбоб-ускуналар ҳақида ёзилади. Уларда қўлланиладиган зарурий, кафолатлик мосламалари ёритилади. Керак бўлганда схемалари чизилади. Бунда ишлашнинг хавфли ҳудудлари ҳисобланади. Улар билан муносабатда бўлувчилар учун талаблар ёзилади. Йўл ҳаракати қондаси тўғрисида, Давлат автоинспекциялари, темир йул хўжалиги ва улар билан боғлиқ бўлган инженерлик бошқарув органлари томонидан олинладиган масалалар ёритилади. Хавфсизликни таъминлаш чоралари белгиланади.

**Ёнғин хавфсизлиги.** Диссертациянинг ҲФХ бўлимида белгиланган объект (бино, иншоот, ишлаб чиқариш жараёнлари, машина-механизмлар, корхоналар, одамлар ва б.) бўйича ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан синфланади. Хавфли участкалар белгиланади. Ёнғин содир бўлишининг олдини олиш учун бажариладиган ишларнинг босқичлари ва турлари аниқланади. Йирик ишлаб чиқариш корхоналарида ёнғинга қарши асбоб ускуналар тўплами ҳосил қилинади. Худудий характердаги ишлар учун (туманлар ва бошқа аҳоли пунктлари) ёнғин деталлари ташкил этилади.

Уларни жиҳозлаш, яъни махсус машиналар. асбоб-ускунлари билан таъминлаш меъёрий кўрсаткичлар асосида бажарилади ва улар ҳақида ишнинг таркибида ёзилади. Ёнғин ҳақидаги маълумотларни олиш учун махсус датчиклар, автоматикадан фойдаланилади. У ҳақида маълумотлар келитирилади.

**Биринчи тиббий ёрдам.** Бу қисмда мавзу объектида хавфни содир бўлишига шароит ҳосил бўлиш бўғинлари ва ускуналари тавсифланади. Ишлаб чиқаришда таи жароҳати олиш ёки ўткир зарарланиш ва захарланиш натижасида ишловчилар биринчи ёрдамга муҳтож бўлади. Хавфлар кузатилмаган ҳолатда содир бўлади. Шу сабабли биринчи тиббий ёрдам зарур бўлади. Магистрант ўз ишининг объектида энг кўп содир бўладиган жароҳатланиш, зарарланиш ёки захарланиш учун биринчи ёрдам турини ёзиши лозим. Тан жароҳати олган одамлар учун ёрдам, электр токига тушишдан зарарланганда, кимёвий моддалардан зарарланганда, сувга чўкишдан зарарланганда, вайроналар натижасида жароҳатланганларга, кўчкидан, ялпи қирғин, бактериологик, кимёвий ва бошқа жанговар қуроллардан зарарланганларга, табиий офатлардан зарарланганларга биричи тиббий ёрдам кўрсатиш тури ва услуби ёзилади.

Булажак мутахассислар суяк синишда, қон оқишида, офтоб ёки иссиқ урганда, бадани музлаб қолганда, бадани куйишда, кучли захарланишда биринчи, яъни врач кўригигача кўрсатилалайган ёрдамни билиши керак ва бу диссертациянинг ҲФХ бўлимида ёритилади.

ҲФХ фанга оид айрим кўрсаткичларни ўларни қийматини ҳисоблаш

**1. МЕЛИОРАТИВ МАШИНАЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ УСТАХОНАСИ  
УЧУН ТАБИИЙ ҲАВО АЛМАШТИРИШНИ ҲИСОБЛАШ**

Ҳаво алмаштиришнинг табиий ва сунъий (механик) усулда амалга ошириш мумкин. Бу ишда фақат табиий ҳаво алмаштириш тўғрисида гап боради.

Табиий ҳаво алмаштириш кўндаланг кесими тўртбурчак ёки айлана шаклига эга бўлган, шифт ва том орқали ўтиб, бита учи хона ичида, иккинчи учи эса том қиррасидан баланд қилиб жойлаштирилган махсус қувурлар орқали амалга оширилади. Шу қувурлар орқали ҳаво ичкаридан ташқарига сўрилади. Ичкарига эса тоза ҳаво ташқаридан деразалар, эшиклар ва деворда махсус қилинган бошқа бўшлиқлар орқали киради.

Сўриш қувурлари орқали ҳавонинг ҳаракати ташқаридаги ва ичкаридаги ҳаво зичликларидаги фарқ туфайли юзага келади. Бунинг натижасида қувурларнинг кириш ва чиқиш қисмларида босимлар фарқи ҳосил қилинади.

Бу босимлар фарқини (напорни) қуйидаги ифода орқали топамиз:

$$\Delta H = hg(\rho_t - \rho_i), Pa$$

бу ерда  $\Delta P$  - босимлар фарқи (напори) , Па

h- ҳаво сўриш қувури узунлиги, м      h= 5 м

g- эркин тушиш тезлиги, м/с<sup>2</sup>      g= 9,81 м/с<sup>2</sup>

Ҳавонинг турли босим ва температурадаги зичлигини қуйидаги ифода орқали ҳисоблаш мумкин:

$$\rho_t = \frac{353P_t}{(273 + t_t) \cdot 760}; kg / m^3$$



$$\rho_i = \frac{353P_i}{(273 + t_i) \cdot 760}; kg/m^3$$

бу ерда  $t_t$  – температурадаги ҳаво температураси,  $^{\circ}C$

$t_i$  – ичкаридаги ҳаво температураси,  $^{\circ}C$

$P_t$  ва  $P_i$  – мос равишда ташқаридаги ҳаво босимлари, мм.сим.уст.

$$t_t = 15^{\circ}C$$

$$t_i = 20^{\circ}C$$

$$P_t = 725 \text{ мм.сим.уст.}; \quad P_i = 730 \text{ мм.сим.уст.}$$

Унда

$$\rho_t = \frac{353 \cdot 725}{(273 + 15) \cdot 760} = \frac{255925}{218880} = 1,17 kg/m^3$$

$$\rho_i = \frac{353 \cdot 730}{(273 + 20) \cdot 760} = \frac{257690}{222680} = 1,15 kg/m^3$$

у ҳолда

$$\Delta H = 5 \cdot 9,81(1,17 - 1,15) = 0,98 Pa$$

Сўриш қувурларидаги ҳаво тезлигигни маҳаллий қаршиликларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш лозим. Ҳавонинг ҳаракат тезлигига қувурнинг кириш ва асосий қисмининг шакли, ҳамда барча қисмининг силликлик даражаси таъсир кўрсатади. Бу қаршиликни ҳисобга олиш учун махсус коэффициент киритилади -  $\mu$ . Бу ҳолатда ҳавонинг қувурдаги ҳақиқий тезлиги қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$V_k = 1,42\mu \sqrt{\frac{\Delta H}{\rho_t}}$$

бу ерда  $\mu$ -маҳаллий қаршилликлар коэффициенти, унинг қиймати 0,10...0,61 оралиғида ўзгаради.

У ҳолда

$$V_k = 1,42 \cdot 0,5 \sqrt{\frac{0,98}{1,17}} = 0,71 \sqrt{0,838} = 0,65 \text{ m/s}$$

Зарурий ҳаво алмаштириш жадаллигига ва қувурдаги ҳаво ҳаракати тезлиги боғлиқ равишда сўриш қувурларининг кўндаланг кесим юзаси йиғиндиси қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\sum F_k = \frac{1}{3600 \cdot V_k}; m^2$$

Бу ерда  $L$  – зарарли омил иссиқлик бўлганда ҳаво алмаштириш жадаллиги  $L$  қуйидагича топилади:

$$L = \frac{Q_0}{c\rho(t_i - t_r)}; m^3 / soat$$

$Q_0$  – ортиқча иссиқликнинг ҳонада ҳосил бўлиш жадаллиги, кж/соат;

$c$  – ҳавонинг ўртача солиштирма сиғими, кж/кг  $^{\circ}\text{C}$

$$c = 1 \text{ кж/кг } ^{\circ}\text{C}$$

$$Q_0 = 26 \text{ kvt} = 93\,600 \text{ kJ/soat}$$

Бундан

$$L = \frac{93600}{1 \cdot 1,179(20 - 15)} = \frac{93600}{1,17 \cdot 5} = 16000 \text{ m}^3 / soat$$

У ҳолда

$$\sum F_k = \frac{16000}{3600 \cdot 0,65} = 6,84 \text{ m}^2$$

Қувурларнинг кўндаланг кесим юзалари шаклига боғлиқ ҳолатда, қуйидаги келтирилган ифодалардан ҳаво сўриш қувурларининг сонини топамиз:

$$n_{ko} = \frac{4 \sum F_k}{\pi D^2} - \text{кувурнинг кўндаланг кесими юзалари айлана шаклига эга}$$

бўлса;

$$n_{kt} = \frac{\sum F_k}{a \cdot b} - \text{кувурнинг кўндаланг кесими юзалари тўртноурчак}$$

шаклига эга бўлса.

$$D = 0,4 \text{ м} - \text{айлана шаклини олампиз.}$$

У ҳолда

$$n_{ko} = \frac{4 \cdot 6,84}{3,14 \cdot 0,4^2} = \frac{4 \cdot 6,84}{3,14 \cdot 0,16} = \frac{27,28}{0,5024} = 54,2 \approx 54 \text{ та}$$

Ўрнатилиши зарур бўлган дефлекторлар сони қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$n_d = \frac{L}{L_d}$$

бу ерда  $L_d$  – дефлектор унумдорлиги, м<sup>3</sup>/соат. Унинг қиймати қуйидагича топилади :

$$L_d = 3600 V_{dk} \frac{\pi d_d^2}{4}; \text{ м}^3 / \text{соат}$$

бу ерда  $d_d$  – дефлектор диаметри, м

$V_{dk}$  – дефлектор эффеқтивлигини ҳисобга олган ҳолда қувурдаги ҳаво тезлиги, уни қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$V_{dk} = k_e V_{sh}; \text{ м} / \text{с}$$

бу ерда  $V_{sh}$  – шамол тезлиги, м/с.

$$V_{sh} = 6 \text{ м/с}$$

$k_e$ –дефлектор эффеқтивлиги, тахминий ҳисобларда 0,40.....0,42 оралиғида қабул

қилинади.

$$V_{dk}=0,41 \cdot 6=2,46 \text{ m/s}$$

$$d_d = \frac{1}{53} \sqrt{\frac{L}{n_d \cdot k_e V_{sh}}}; m$$

Ҳисобда  $n_d=n_{ko}$  деб оламиз, яъни  $n_d=n_{ko} = 54$  та

$$d_d = \frac{1}{53} \sqrt{\frac{16000}{54 \cdot 0,41 \cdot 6}} = 0,21 \text{ m}$$

У ҳолда

$$L_d = 3600 \cdot 2,46 \frac{3,14 \cdot 0,21}{4} = 1460 m^3 / soat$$

Ўрнатиладиган дефлектор сонини аниқлаймиз:

$$n_d = \frac{L}{L_d} = \frac{16000}{1460} = 10,95 \approx 11 \text{ ta}$$

## **2. СУВ ҲЎЖАЛИК ОБЪЕКТЛАРИДА СОДИР БЎЛАДИГАН ТАБИЙ ОФАТЛАР ОҚИБАТЛАРИНИ БАШОРАТЛАШ**

Сув ҳужалиги объектлари ишчиларининг ҳимояланганлигини баҳолаш бу лодиндан фуқаро муҳофазасининг қуйидаги масалаларини ечишга қаратилади – аҳоли ва ишчи хизматчиларни пана жойлар ва ҳимояланиш иншоотлари билан таъминланганлиги аниқланади.

Бу баҳоланиш натижасида керакли ҳулосалар қилинади ва комплекс тадбирлар амалга оширилади.

Ишчи хизматчиларни ҳимоялайдиган иншоотларнинг ҳолатини аниқлаб, уларни яхшилаш чоралари ҳам белгиланади.

Объектда ишчиларнинг ишлаш қобилиятини сақлаб қолганларнинг сони куйидагича аниқланади:

$$M = A - \frac{AC}{100}$$

бу ерда  $M$  – фавқулодда вазият омиллари таъсиридан сўнг ўз иш фаолиятини давом эттиришга мумкин бўлган ишчи хизматчилар сони.

$A$  – объектдаги умумий ишчилар сони

$C$  – ишлаб чиқариш қобилиятини йўқотганлар кўрсаткичи, %

$A = 156$  киши,  $C = 18$  % бўлса,

$$M = 156 - \frac{156 \cdot 18}{100} = 156 - 28 = 128 \text{ kishi}$$

Баҳор ойларида ёғингарчиликнинг кўп бўлиши ва тоғлардаги қор ва музликларнинг жадал эришлиги, тоғ олди зоналарида жойлпшган ҳудудларга сел оқисини олиб келади. Селли тошқинлар ҳосил бўлиб, улар сув иншоотлари атрофини, қирғоқларини, баъзан тўғон ва кўприкларни ювиб кетади. Буни натижасида экин майдонлари ва муҳандислик иншоотлари ката зарар кўради.

*Сув тошқинида объект ҳолатини башоратлаш*

Эҳтимолий ҳолатлар учун маълумот куйидагича:

Сув манбаидаги сув ҳажми  $Q = 2004000 \text{ m}^3$ .

Сув манбаидан сув келаётган жойнинг кенглиги  $B = 25 \text{ m}$ .

ўкелаётган жойнинг чуқурлиги  $H = 10 \text{ m}$ .

Сувнинг ўртача тезлиги  $V = 20 \text{ m/s}$ .

Сув манбаидан сув хўжалиги объектигача бўлгае масофа  $L = 10 \text{ km}$ .

Объектдаги тошқиндан неча метр сув босиш эҳтимоли қуйидагича аниқланади:

1. Сув тўлқинини маълум  $L = 10 \text{ km}$  масофага етиб келиш вақтини аниқлаймиз:

$$t_s = \frac{L}{V} = \frac{10000}{20} = 500s = 8,33 \text{ min} = 0,14 \text{ soat}$$

2. Маълум  $L=10 \text{ km}$  масофадаги сув тўлқинининг баландлигини ҳисоблаймиз:

$$h = a \cdot H$$

Бу ерда  $a$ -сув тошқини параметрлари  $L$  ва  $H$  га боғлиқ коэффициент. Агар  $H= 10 \text{ m}$  ва  $L=10 \text{ km}$  бўлса,  $a=0,232$  га тенг бўлади.

У ҳолда

$$h=0,232 \cdot 10=2,32 \text{ m}$$

3. Маълум ҳажмдаги  $Q=2004000 \text{ m}^3$  сувнинг ўтиб кетиш вақтини аниқлаймиз:

$$T = \frac{Q}{3600 \cdot N \cdot B}; \text{soat}$$

Бу ерда  $N$ -сув келаётган жойдаги  $1 \text{ m}$  кенгликдаги сув миқдори,  $\text{m}^3/\text{с}$ .

$H=10 \text{ m}$  ўлганда  $N=30 \text{ m}$  га тенг бўлади.

У ҳолда

$$T = \frac{2004000}{30 \cdot 20 \cdot 3600} = 56 \text{ min}$$

### **3. «ГУЛИСТОНДАВСУВМАХСУСПУДРАТ» ДУК ТАЪМИРЛАШ УСТАХОНАСИДА СУНЪИЙ ЁРИТИЛГАНЛИКНИ ҲИСОБЛАШ**

Ишловчиларнинг иш қобилиятларини кўтаришда ва меҳнат шароитларини яхшилашда ишчи ўринларни ва хоналарни ёритиш муҳим роль ўйнайди ва ўз навбатида иш унумдорлигини оширишга олиб келади.

Меъёрида бўлган ёритилганликда жароҳатлашнинг келиб чиқиш потенциал хавфи анча камаяди. Ишлаб чиқаришда ишчи ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш учун ёруғликларнинг ўрни каттадир.

Ёритиш табиий ва сунъий бўлиши мумкин. Инсон организми учун энг маъқул бўлгани бу табиий ёритилганликдир.

Сунъий ёритиш таъминлаш ёритиш чироқлари, фонуслар ва бошқалар ҳисобига амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш биноларига қараб сунъий ёритишнинг куйидаги турлари қўлланилади:

а) ён томондан

б) юқоридан

Сунъий ёритишнинг энг кенг тарқалган ёруғлик оқими усули билан ҳисоблаш формуласи:

$$F = \frac{E_{\min} \cdot S \cdot k}{n_{\text{ч}} \cdot \eta} \quad (2)$$

бу ерда:

F – зарурий сунъий ёруғлик оқими, лм

$E_{\min}$  - норма бўйича минимал ёритилганлик, лк;

S - хонанинг майдони; м<sup>2</sup>

k - хонанинг турига ва ёруғлик манбаига боғлиқ бўлган эҳтиётлик коэффициенти;

$n_{\text{ч}}$  - чироқлар сони;

$\eta$  - хона кўрсаткичлари, қайтариш коэффициенти ва ёриткич турига боғлиқ коэффициент,

Жойлаштирилладиган чироқ қаторлар сони ( $n_1$ ) ва бир қатордаги чироқлар сони ( $n_2$ ) куйидаги формуладан топилади:

$$n_1 = \frac{B-2}{l} + 1 \quad (3)$$

$$n_2 = \frac{L-2}{l} + 1 \quad (4)$$

Жойлаштириладиган чироклар сони куйидаги формула билан аниқланади:

$$n_{\text{чирок}} = n_1 \cdot n_2 \quad (5)$$

Чироклар сони аниқ бўлса жойлаштириладиган ҳар бир чироқнинг қуввати ( $P$ ) куйидагича топилади:

$$P = \frac{F}{n_{\text{чирок}}} \quad (6)$$

«Гулистондавсувмахсуспудрат» ДУК таъмирлаш устахонасида табиий ёритилганлик биноан таъминланганлигини ҳисоблаш учун бинонинг баъзи бир физик кўрсаткичларидан фойдаланамиз. Булар:

- бинонинг узунлиги ( $L$ ) – 41,0 метр
- эни ( $B$ ) – 13,2 метр
- баландлиги ( $H$ ) – 5,1 метр
- аниқлик даражаси – аниқ
- чирокларнинг жойлашиши – параллел
- чирок тури – люминисцент

Механика цехи учун куйидаги кўрсаткичларни меъёрий хужжатлардан олинади:

$E_{\text{min}}$  - норма бўйича минимал ёритилганлик, 150 лк;

$k$  - хонанинг турига ва ёруглик манбаига боғлиқ булган эҳтиётлик коэффиценти, 1,7 га тенг.

Таъмирлаш цехи учун зарур бўладиган сунъий ёритишнинг энг кенг тарқалган ёруглик оқими усули билан ҳисоблаймиз:

$$F = \frac{E_{\text{min}} \cdot S \cdot k}{n_q \cdot \eta} = \frac{150 \cdot 541,2 \cdot 1,7}{41,1 \cdot 0,46} = \frac{138006}{18,9} = 7301_{\text{люкс}}$$

Цех бўйлаб жойлаштириладиган чирок каторлар сони ( $n_1$ ) ва бир катордаги чироклар сони ( $n_2$ ) куйидаги формулалардан топамиз:

$$n_1 = \frac{B - 2}{l} + 1 = \frac{13,2 - 2}{4} + 1 = 3,8$$



$$n_2 = \frac{L-2}{l} + 1 = \frac{41,0-2}{4} + 1 = 10,7$$

Талаб этиладиган чироқлар сонини қуйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$n_{\text{чирок}} = n_1 \cdot n_2 = 3,8 \cdot 10,8 = 41,1$$

Жойлаштириладиган чироқлар сони ва қатори аниқлангандан кейин ҳарбитта чироқнинг қувватини қуйидаги формула билан ҳисоблаймиз:

$$P = \frac{F}{n_{\text{чирок}}} = \frac{7301}{41,1} = 180$$

Таъмирлаш цехида ишчи-ходимларга қулай меҳнат шароитларини яратиш мақсадида сунъий ритиш билан тўлиқ таъминлаш учун 41 дона 180 В ли люминисцент чироқларини жойлашатириш лозим.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Gazinazarova S., Ibragimov E.I., Yuldashev O.R., Asilova S.. Hayot faoliyati xavfsizligi. –Т.: 2010. –138 b.
2. Yormatov G'.YO. va boshqalar. Hayot faoliyati xavfsizligi. –Т.: “Aloqachi”, 2009 yil. –348 b.
3. G'oyipov H.E. Hayot faoliyati xavfsizligi. –Т.: “Yangi asr avlodi”, 2007. – 264 b.
4. Qudratov A. va boshqalar. “Hayotiy faoliyat xavfsizligi”. Ma'ruza kursi. “Aloqachi” -Т.: 2005. –355 b.
5. Ёрматов Ғ. Ё. ва бошқалар. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. -Т.: 2005.
6. Йўлдошев Ў. ва бошқалар. Меҳнатни муҳофаза қилиш. -Т.: Меҳнат, 2005.
7. Юнусов Б. Руководство по охране труда. –Т.: 2004.
8. Расулева М.А., Юлдошев О.Р. Видеотерминаллардаги хавфсизлик муаммолари. –Т.: 2004.
9. Nigmatov I., Tojiev M. X. “Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi” Darslik.-Т.: Iqtisod-moliya. 2011. –260 b.
10. Tojiev M. X., Nigmatov I., Ilxomov M. X. “Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi”. O'quv qo'llanma. –Т.: “Iqtisod-moliya”, 2005. –195 b.
11. Норхўжаев А.Қ., Юнусов М.Ю. Фавқулудда вазиятлар ва муҳофаза тадбирлари. –Т.: „Университет”, 2001.
12. Тожиев М.Х., Нигматов И ва б. “Фавқулудда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси”. Ўқув қўлланма. –Т.: МЧЖ., Таълим манбаи, 2002. –224 б..
13. Юнусов М.Ю., Икромов Э.Ж. Фуқаро муҳофазаси - доимий зарурат. – Т.: 2002.
14. Безопасность жизнедеятельности. /Под.ред. Михайлова Л.А. Киев – Харьков – Минск, 2007. –301 с.
15. Микрюков В.Ю. Безопасность жизнедеятельности. Ростов – Дон. 2006.

## МУНДАРИЖА

	<b>Бет</b>
Кириш	<b>3</b>
I. Умумий маълумотлар	<b>4</b>
1.1. Магистрлик диссертациясининг ҲФХ бўлимининг мақсади ва вазифалари	<b>6</b>
1.2.. Магистрлик диссертациясининг ҲФХ бўлимининг уларини танлаш	<b>7</b>
1.3. Магистрлик диссертациясининг ҲФХ бўлими илмий маслахатчиси ва магистрнинг вазифалари	<b>8</b>
1.4. Магистрлик диссертациясининг ҲФХ бўлимининг мазмуни	<b>9</b>
1.5. Магистрлик диссертациясининг ҲФХ бўлимини бажаришни ташкил этиш	<b>10</b>
II. Магистрлик диссертациясининг ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўлими учун тавсия этиладиган намунавий мавзулар	<b>10</b>
III. Диссертациянинг ҲФХ бўлимини бажариш бўйича қилинадиган ишларнинг мазмуни ва таркиби	<b>12</b>
Илова	<b>16</b>
Фойдаланилган адабиётлар	<b>26</b>
Мундарижа	<b>27</b>

**ҲАЙДАРОВ ТУЙҒУН  
АХМЕДОВ ИКРОМАЛИ**

**Магистрлик диссертациясининг «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги»  
бўлимини бажариш бўйича  
МЕТОДИК КЎРСАТМА**

**Мухаррир**

**Нуртоева М.**

**Мусаххих**

**Байзакова Д.**

---

**Босишга рухсат этилди \_\_\_\_\_ Қоғоз ўлчами 60x84, 1/16**

**Ҳажми 1,7 б.г \_\_\_\_\_ нусха, буюртма № \_\_\_\_\_**

**ТИМИ босмаҳонасида чоп этилди.**

**Тошкент, 700000, Қори-Ниёзий кўчаси, 39 –уй.**